

«Сайид Муҳйиддин маҳдум» ўрта махсус ислом таълим муассасасида семинар ўтказилди



17:04 / 23.02.2023 1727

Бугун, 23 февраль куни Андижон вилоятидаги «Сайид Муҳйиддин маҳдум» ўрта махсус ислом таълим муассасасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган мурожаатида соҳага доир таъкидланган вазифалари алоҳида муҳокама қилинди. Шунингдек, «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да билим юртларида таълим

сифатини янада ошириш, 1-семестр якунлари, талаба ва педагог-ўқитувчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар сарҳисоб қилиниб, тегишли тавсиялар берилди.

Сўнгра таълим муассасалари раҳбарларининг таклиф ва фикр-мулоҳазалари тингланди ҳамда тегишли тавсия ва топшириқлар берилди.

Куннинг иккинчи ярмида таълим муассасалари раҳбарлари мадрасада амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, янги қурилган ётоқхона биноси, ошхона, ёпиқ спорт зали ҳамда педагог-ўқитувчилар фаолияти билан яқиндан танишди.

Тадбир якунида иштирокчилар семинар юқори савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.